

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСЛОМОВА ШОХИСТА АБДИХАЛИЛОВНА**

**ПИРЕТРОИД ПЕСТИЦИДЛАР ХОМИЛАДОРЛИК ШАРОИТИДА  
ТАЪСИР ЭТТИРИЛГАНИДА АВЛОД ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗИНИНГ  
ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИ**

**14.00.02 – Морфология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Исломова Шохиста Абдихалиловна**

Пиретроид пестицидлар хомиладорлик

шароитида таъсир эттирилганида авлод

қалқонсимон безининг постнатал ривожланиши..... 5

**Исломова Шохиста Абдихалиловна**

Постнатальное развитие щитовидной

железы у потомства под влиянием

иретроидных пестицидов во время беременности..... 23

**Islomova Shokhista Abdixalilovna**

Postnatal development of the thyroid

gland in offspring under the influence

of pyrethroid pesticides during pregnancy..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСЛОМОВА ШОХИСТА АБДИХАЛИЛОВНА**

**ПИРЕТРОИД ПЕСТИЦИДЛАР ХОМИЛАДОРЛИК ШАРОИТИДА**  
**ТАЪСИР ЭТТИРИЛГАНИДА АВЛОД ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗИНИНГ**  
**ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИ**

**14.00.02 – Морфология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib1857 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зокирова Наргиза Баходировна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Орипов Фирдавс Суръатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ҳамрақулова Муқаддас Асқаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Озарбайжон тиббиёти университети**  
**(Озарбайжон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж. Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳолининг экологик саломатлигини муҳофаза қилиш умумжаҳон миқёсидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Турли хил кимёвий маҳсулотларнинг саноатда, уй ва қишлоқ хўжалигида кенг қўламда қўлланилиши атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Бу борада пестицидлар тури ва таъсири ошиб бораётганлигини такидлаш лозим. Пестицидларнинг она организми орқали ёш авлод эндокрин тизимининг такомилланишига кўрсатадиган таъсир механизмларини очиб бериш ўз навбатида улғаяётган авлодда келиб чиқиши эҳтимол бўлган салбий асоратларни олдини олиш, уларни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини яратишга имкон беради. Шу муносабат билан қалқонсимон безнинг дисфункциялари орасида сўнгги йилларда тадқиқотчиларнинг эътиборини тортадиган «оналар гипотиреози» (Гестацион гипотиреоз ёки ҳомиладорлик гипотиреози) алоҳида ўрин тутди. Ҳомиладор аёлларда гипотиреозидизм, турли манбаларга кўра, барча ҳомиладор аёлларнинг 2-2,5%да кузатилади ва субклиник ёки манифест шаклларда ўзини намоён қилиши мумкин. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда пиретроид пестицидлар ҳомиладорлик шароитида таъсир эттирилганида авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишига таъсирини баҳолаш бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда пиретроид пестицидлар ҳомиладорлик шароитида таъсир эттирилганида авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишига салбий таъсирини олдини олишни такомиллаштириш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлодда қалқонсимон безни морфологик, морфометрик ва ультраструктуравий хусусиятлари кўрсаткичларини, она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлод қалқонсимон безида хужайралар пролифератив фаоллигини ва апоптоз даражасини иммуногистохимёвий усул ёрдамида баҳолаш, она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир эттирилишида онада ва авлод динамикасида гипофизнинг олдинги бўлаги (ТТГ) ва қалқонсимон без маркер гормонлари ( $T_4$  ва  $T_3$ ) концентрацияси, она организмига кичик миқдордаги пестицидларнинг сурункали таъсирида авлодда кузатиладиган эндокрин бузувчи таъсир алгоритминини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, пестицидларнинг салбий таъсири, касбий касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали

хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда пиретроид пестицидлар хомиладорлик шароитида таъсир эттирилганида авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, хомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қамровини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пестицидларнинг салбий таъсирлари жуда хилма-хил бўлиб, ушбу глобал муаммони ҳал қилиш устида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишлар дунёнинг қатор етакчи университетлари ва илмий марказларида, жумладан: (Яглова Н.В., Яглов В.В., 2012) ва узоқ (Pine M.D. et al., 2008; Mnif W. et al., 2011; Gore A.C. et al., 2015) яқин хориждаги олимларнинг тадқиқотлари эндокрин-бузувчи замонавий пестицидлар турли касалликлар, семизлик, атеросклероз, хавфли ўсмалар, бепуштлиқ ва бошқа хасталиклар патогенезида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Шулардан пиретроид пестицидлар жаҳон пестицидлар бозорининг тахминан чорак улушини ташкил этади ва қишлоқ хўжалиги ҳамда жамоат соғлиғини сақлаш соҳасида кенг қўлланилиб келмоқда (Elhalwagy M.E. et al., 2015). Энг кўп тарқалган пестицидлардан яна бири бензопиразоллар синфига мансубдир. У кам миқдорда ҳам юқори инсектицид фаолликка эга бўлиб, жаҳон миқёсида кенг ишлатилади (Bonmatin J.M. et al., 2015). Кенг тарқалган замонавий пиретроидлар

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

безларнинг ўсиши ва шаклланишига таъсирини ўрганиш ҳомила ва илк болалик даврда юзага келадиган қатор касалликлар патогенези ҳақида янги маълумотлар олиш имконини беради.

Ўзбекистонда замонавий пестицидларнинг эндокрин-бузувчи таъсири кам ўрганилган, жумладан, пестицидларнинг қалқонсимон без ва буйрак усти беши пўстлоқ моддасининг функционал ҳолатларига таъсири кўрсатилган (Қ.Р.Тўхтаев, 2012; Н.Б.Зокирова, 2014), пиретроид пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланганда кузатиладиган токсикологик ва биокимёвий ўзгаришлар ўрганилган (П.И.Ташходжаев, 1993; М.А.Ҳамроқулова, 2016). Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий пестицидларнинг эндокрин тизимга таъсир механизмларини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг аксарият қисми балоғат ёшига етган ҳайвонлар ва катта ёшли одамларда ўтказилган.

Айнан ҳомила ва илк постнатал даврлар эса энг хавфли даврлардан ҳисобланади. Афсуски, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммо ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.01.070073 «Иммун, эндокрин, ҳазм, айирув тизимларининг экотоксик омиллар таъсирига адаптив реакцияларини постнатал онтогенезда ўрганиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** она организмига пиретроид пестицидлар ҳомиладорлик шароитида таъсир эттирилганида авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланиши асосларини динамикада баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлодда қалқонсимон безни морфологик, морфометрик ва ультраструктуравий хусусиятлари кўрсаткичларини баҳолаш;

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир этиши шароитида туғилган авлод қалқонсимон безида хужайралар пролифератив фаоллигини ва апоптоз даражасини иммуногистохимёвий усул ёрдамида баҳолаш;

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсир эттирилишида она-да ва авлод динамикасида гипофизнинг олдинги бўлаги (ТТГ) ва қалқонсимон без маркер гормонлари (Т<sub>4</sub>, Т<sub>3</sub>) концентрациясини аниқлаш;

она организмига кичик дозадаги пестицидларнинг сурункали таъсир этиши натижасида авлодда кузатиладиган эндокрин бузувчи таъсир алгоритминини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида учун 160-180 грамм оғирликдаги 135 та жинсий етук, олдин туғмаган урғочи каламушлар, шунингдек, улардан туғилган 180 каламуш болалари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ва авлод динамикасида қалқонсимон без ва қон зардоби тироксин, тирионини, трийодотирионини ва экспериментал гипотиреоздаги ўзгаришлар даражаси қиёсий баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Пиретроид пестицидлар хомиладорлик шароитида таъсир эттирилганида авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишни баҳолаш мақсадида тажрибавий, морфологик, морфометрик, трансмиссион электрон микроскопия, иммуногистохимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тажриба шароитида пестицидлар таъсирида қалқонсимон безнинг секретор фолликулалари шаклланиш жараёнининг сезиларли даражада сусайиши ҳолати баҳоланиб, тироцитлардаги донатор эндоплазматик тўр ва митохондриялар деструкцияси каби субмикроскопик ўзгаришлар асосида улар қалқонсимон без дисфункциясининг морфологик субстрати эканлиги исботланган;

қалқонсимон без фаолиятига кўрсатилган токсик таъсир механизмида ҳужайралар пролиферацияси ва апоптоз орасидаги муносабатларнинг бузилиши (дисбаланс) асосий ўрин тутиши, бу эса, ўз навбатида, токсиннинг бевосита таъсири натижасида она ва болада ривожланувчи гипотиреоз билан чамбарчас боғлиқлиги исботланган;

қалқонсимон без фаолиятига пестицидлар таъсирида тиротроп гормони концентрациясининг кўпайишига қарамай, кам миқдордаги пестицидларнинг узоқ муддатли таъсири қондаги тиреоид гормонлари Т3 ва Т4 миқдорини камайтириш орқали хомиладор каламушлар ва уларнинг авлодларида қалқонсимон без фаолиятининг ўсиш суръатлари сусайишига олиб келиши исботланган;

авлодда тиротроп гормони ишлаб чиқаришда гормонал дисбаланс ва кутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қалқонсимон без фаолиятига таъсир қилувчи пестицидларнинг эндокрин-бузувчи таъсирини олдини олиш ва морфологик кўрсаткичларни баҳолаш алгоритми такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пестицидларнинг сурункали таъсирида авлоднинг постнатал ўсиши жараёнидаги ўзгаришлар баҳоланган;

қалқонсимон безининг шаклланиши жараёнида аниқланган бузилишларнинг салбий оқибатларини олдини олиш ва даволашнинг патогенетик усуллари танлашда морфологик кўрсаткичларнинг ўрни очиқ берилган;

атроф-муҳитнинг замонавий пестицидлар билан зарарланиш хавфи юқори бўлган шароитларда ёш болалар, гўдақларда қалқонсимон без фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиш тартибининг зарурлиги кўрсатиб ўтилган;

гипотиреозни эрта ташхислаш ва уларни фармакологик тиреоид гормон ва антиоксидантлар ёрдамида бартараф қилишга йўналтирилган патогенетик профилактик ва даволаш усуллари яратишга асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, озиқ-овқат намуналари

сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган тажрибавий, морфологик, морфометрик, трансмиссион электрон микроскопия, иммуногистохимёвий, иммунофермент ва статистик усуллар асосида пиретроид пестицидлар хомиладорлик шароитида таъсир эттирилганида авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишни баҳолашни такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий пестицидларнинг токсик таъсирини аниқлашга бўлган янги ёндошув, хусусан, кам дозадаги пестицидларнинг хомиладорлик ва илк постнатал даврларда авлоднинг эндокрин тизимини шаклланишига таъсир этишининг структур-функционал механизмларини очиб бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, пестицидларнинг сурункали таъсири шароитларида авлоднинг постнатал ўсиши ва тироид тизим шаклланиши жараёнида аниқланган бузилишларнинг структур-функционал механизмлари токсик таъсирнинг эҳтимолий салбий оқибатларини олдини олиш ва даволашнинг у ёки бу патогенетик усулларини тайинлашга асос бўлганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пиретроид пестицидлар хомиладорлик шароитида таъсир эттирилганда авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгиллик:* тажриба шароитида пестицидлар таъсирида қалқонсимон безнинг секретор фолликулалари шаклланиш жараёнининг сезиларли даражада сусайиши ҳолати баҳоланиб, тироцитлардаги донадор эндоплазматик тўр ва митохондриялар деструкцияси каби субмикроскопик ўзгаришлар асосида улар қалқонсимон без дисфункциясининг морфологик субстрати эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштириш эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартда 03-24/267-т-сон билан тасдиқланган «Пиретроид пестицидлар хомиладорлик шароитида таъсир эттирилганда авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишини морфологик жиҳатдан тасдиқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси бўйича 06.05.2024 йилдаги 16/1-12-сон ҳамда Хоразм вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси бўйича 06.05.2024 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/44-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: пестицидлар таъсирини баҳолаш мақсадида тажриба шароитида қалқонсимон безининг секретор фолликулаларнинг шаклланиш жараёнини сезиларли даражада сусайтириш тартиби илмий асосланган ва унинг натижасида юзага келган тироцитларда донадор эндоплазматик тўр ва митохондриялар деструкцияси каби субмикроскопик ўзгаришлар асосида қалқонсимон без

дисфункциясининг морфологик субстрати натижасида юзага келган касалликларни эрта ташхислаш, касалликларни даволаш ва олдини олишнинг морфологик жиҳатлар асосида баҳолаш имконини берганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий самарадорлиги: тажрибада пестицидлар таъсири қалқонсимон безнинг секретор фолликулаларнинг шаклланиш жараёнини сезиларли даражада сусайтириши аниқланган, яъни тироцитларда донадор эндоплазматик тўр ва митохондриялар деструкцияси каби субмикроскопик ўзгаришлар натижасида юзага келган қалқонсимон беzi касалликларини эрта ташхислаш ва бир кун даволаш учун сарфланадиган 163461 сўм, бир курс даволаниш учун эса 1163461 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* қалқонсимон без фаолиятига кўрсатилган токсик таъсир механизмида хужайралар пролиферацияси ва апоптоз орасидаги муносабатларнинг бузилиши (дисбаланс) асосий ўрин тутиши, бу эса, ўз навбатида, токсиннинг бевосита таъсири натижасида она ва болада ривожланувчи гипотиреоз билан чамбарчас боғлиқлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштириш эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартда 03-24/267-т-сон билан тасдиқланган «Пиретроид пестицидлар ҳомиладорлик шароитида таъсир эттирилганда авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишини морфологик жиҳатдан тасдиқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси бўйича 06.05.2024 йилдаги 16/1-12-сон ҳамда Хоразм вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси бўйича 06.05.2024 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/44-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда фойдаланишга рухсат этилган пестицидларнинг қалқонсимон без фаолиятига кўрсатаётган токсик таъсир механизми хужайралар пролиферацияси ва апоптози орасидаги муносабатида дисбаланс натижасида токсиннинг бевосита таъсири она орқали ҳомилада ривожланувчи гипотиреоз билан чамбарчас боғлиқлиги натижасида юзага келган касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш тактикасини танлаш ва олдини олиш орқали пациентларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий самарадорлиги: қалқонсимон без фаолиятига кўрсатилган токсик таъсир механизми натижасида она ва болада ривожланувчи гипотиреоз билан чамбарчас боғлиқлигини эрта ташхислаш ва бир кун даволаш учун сарфланадиган 163461 сўм, бир курс даволаниш учун эса 1163461 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* қалқонсимон без фаолиятига пестицидлар таъсирида тиротроп гормони концентрациясининг кўпайишига қарамай, кам миқдордаги пестицидларнинг узоқ муддатли таъсири қондаги тиреоид гормонлари Т3 ва Т4 миқдорини камайтириш орқали ҳомиладор каламушлар ва уларнинг авлодларида қалқонсимон без фаолиятининг ўсиш суръатлари сусайишига олиб келиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент

тиббиёт академиясининг мувофиқлаштириш эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартда 03-24/267-т-сон билан тасдиқланган «Пиретроид пестицидлар ҳомиладорлик шароитида таъсир эттирилганда авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишини морфологик жиҳатдан тасдиқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси бўйича 06.05.2024 йилдаги 16/1-12-сон ҳамда Хоразм вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси бўйича 06.05.2024 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/44-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: қалқонсимон без фаолиятига таъсир қилувчи пестицидлар таъсирида тиротроп гормони концентрациясининг кўпайиши билан бир қаторда қондаги Т3 ва Т4 тиреоид гормонлари миқдорининг камайиши узоқ таъсир диорасидаги пестицидларнинг ҳомиладор каламушлар ва уларнинг авлодида қалқонсимон без фаолиятининг ўсиш суръатларининг сусайиши ва дисфункциясидаги боғлиқлиги натижасида ҳомила ва шу муҳитда туғилган каламушларда гипотиреозни эрта ташхислаш, самарали даволаш тактикасини танлаш ва олдини олиш орқали пациентларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий самарадорлиги: қалқонсимон без фаолиятига пестицидларнинг таъсирида тиротроп гормони концентрациясининг кўпайиши, қондаги Т3 ва Т4 тиреоид гормонлари миқдорининг камайиши авлодда қалқонсимон без фаолиятининг ўсиш суръатларининг сусайиши ва дисфункцияси орқали ривожланган гипотиреозни эрта ташхислаш ва бир кун даволаш учун сарфланадиган 163461 сўм, бир курс даволаниш учун эса 1163461 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* авлодда тиротроп гормони ишлаб чиқаришда гормонал дисбаланс ва кутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қалқонсимон без фаолиятига таъсир қилувчи пестицидларнинг эндокрин-бузувчи таъсирини олдини олиш ва морфологик кўрсаткичларни баҳолаш алгоритми такомиллаштирилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштириш эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартда 03-24/267-т-сон билан тасдиқланган «Пиретроид пестицидлар ҳомиладорлик шароитида таъсир эттирилганда авлод қалқонсимон безининг постнатал ривожланишини морфологик жиҳатдан тасдиқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси бўйича 06.05.2024 йилдаги 16/1-12-сон ҳамда Хоразм вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси бўйича 06.05.2024 йилдаги 27-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11/44-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда фойдаланишга рухсат этилган пестицидларнинг қалқонсимон без фаолиятига таъсир қилувчи пестицидлар натижасида тиротроп гормони авлодда ривожланадиган гормонал дисбаланс, кутилмаган салбий

оқибатларга олиб келишини кўрсатувчи пестицидларнинг эндокрин-бузувчи таъсири ва уни олдини олишнинг морфологик кўрсаткичларни баҳолаш ва олдини олиш алгоритми шакллантириш орқали ҳомилада ривожланувчи гипотиреозни эрта ташхислаш, самарали даволаш тактикасини танлаш ва олдини олиш орқали пациентларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий самарадорлиги: қалқонсимон без фаолиятига таъсир қилувчи пестицидлар натижасида тиротроп гормони авлодда ривожланадиган гормонал дисбаланс, кутилмаган салбий оқибатларга олиб келишини кўрсатувчи пестицидларнинг эндокрин-бузувчи таъсири ва уни олдини олишнинг морфологик кўрсаткичларни баҳолаш ва олдини олиш алгоритмини шакллантириш орқали гипотиреоз натижасида юзага келадиган ўзгаришлари эрта ташхислаш ва бир кун даволаш учун сарфланадиган 163461 сўм, бир курс даволаниш учун эса 1163461 сўм маблағлар иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда 4 та журнал мақоласи, шу жумладан, 3 та республика, 1 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Атроф-муҳитнинг эндокрин-бузувчи моддалари ва уларнинг одам ва ҳайвон организмига таъсири**» деб номланган биринчи бобида атроф-муҳитни ифлослантирувчиларнинг ҳайвон организмига, шу жумладан одам организмига эндокрин-бузувчи таъсир этишига доир жаҳон адабиётида келтирилган маълумотларнинг таҳлили бўйича натижалар берилган. Таҳлил якунида замонавий пестицидларнинг «эндокрин-бузувчи» таъсири механизмлари ва асоратларини ўрганишга доир тадқиқотларнинг

аксарияти жинсий етилган хайвонлар ёки катта ёшдаги одамларда ўтказилганлиги ҳақида қисқа хулоса келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари ва қўлланилган пестицидларнинг токсиколого-кимёвий тавсифномаси» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва услублари баён этилган, микроскопик, морфометрик, иммуногистохимёвий, иммунофермент, статистик тадқиқот усуллари ва қўлланилган пестицидларнинг токсиколого-кимёвий тавсифномаси баён этилган.

Тажрибалар тана вазни 150-180 г бўлган, оқ, жинсий етилган, туғмаган, Вистар урғочи каламушларида ўтказилди, жинсий етилган эркак каламушлардан фақат уруғлантиришда фойдаланилди. Сўнг урғочи каламушлар ҳар бирида 45 та каламушдан иборат учта гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳдаги каламушларга (I тажриба гуруҳи) зонддан фойдаланиб, физиологик эритмада аралаштирилган фастокин 8мг/кг дозада ҳар куни оғиз орқали юборилди, бу препарат ЛД<sub>50</sub>ининг 1/100 қисмига. Каламушларнинг иккинчи гуруҳига (II тажриба гуруҳи) худди шу усулда фипронил 3,6 мг/кг дозада ҳар куни оғиз орқали юборилди, бу препарат ЛД<sub>50</sub>ининг 1/100 қисмига мос келади. Каламушларнинг учинчи гуруҳи (назорат гуруҳи) стерил физиологик эритманинг тенг ҳажмини олди. Тажрибада 135 та оқ каламушлар ишлатилган бўлиб (назорат-45, тажриба-90). Улардан туғилган каламуш болаларининг умумий сони 180 та (60 – назорат гуруҳи, 120 – тажриба гуруҳи). Такидлаш жоизки, фастокин ва фипронилларнинг кам микдорда узоқ муддат юборилиши тажриба учун олинган урғочи каламушларда пестицидлар таъсирининг яққол аломатлари пайдо бўлишига олиб келмади. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги хайвонларнинг тана вазни тажриба давомида сезиларли ўзгармади. Барча гуруҳдан олинган авлод туғилганидан кейинги 3, 7, 14, 21 ва 30 кунларда енгил эфирли анестезия остида жонсизлантирилди.

Хайвонларни жонсизлантириш тегишли муддатларда, эрталабки соатларда, оч қоринга, енгил эфирли наркоз остида бажарилди. Қалқонсимон без массаси ўлчангандан сўнг 10%ли нейтрал формалин ёки Карнуа ва Буэн суюқликларида фиксацияланди, тегишли амаллардан сўнг парафинга солинди. Депарафинланган кесмалар гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўялди. Ярим юпқа кесмалар тайёрлаш учун органлардан олинган бўлакчалар 1,25 % ли глютар альдегид эритмасида фиксацияланди ва аралдит-эпон аралашмасига қуйилди. Ярим юпқа кесмалар (1мкм) метилен кўки ва асосий фуксин бўёқлари билан бўялди.

Электрон-микроскопик текширувлар учун органлардан олинган кесмалар изчил равишда 1,25%ли глютар альдегиди ва 1% ли осмий кислотасининг фосфат буфердаги (рН-7,3) эритмасида фиксацияланди. Сувсизлантирилгандан кейин материал аралдит-эпон аралашмасига солинди. Ультраюпқа кесмалар «Ultratome – V» (LKB, Sweden)да тайёрланди ва изчил равишда уранил-ацетат, кўрғошин цитрати билан контрастланди, сўнгра «JEM-100SX» (JEOL, Japan) электрон микроскопида кўрилди.

Морфометрик текширувлар парафинли ва ярим юпқа кесмаларда Автандилов (Автандилов Г.Г., 1990) тўри ёрдамида ўтказилди. Айрим ҳолатларда «Carl Zeiss Jena» (Germany) фирмасининг «Морфология-4» компьютер дастуридан фойдаланилди. Қалқонсимон безда фолликулларнинг ташқи ва ички диаметри, коллоид, эпителий майдони, тироцитлар баландлиги, битта фолликулдаги тироцитлар сони, фолликуллараро эпителий ва бириктирувчи тўқимали строма майдонлари аниқланди.

Эндокрин безларда хужайралар пролиферация даражаси ва апоптоз миқдорини баҳолаш учун иммуногистохимий усулдан фойдаланилди. Пролиферацияланувчи хужайраларнинг маркер субстратлари Ki-67га нисбатан моноклонал каламуш антитаналари, апоптоз хужайралари эса Bcl-2 га нисбатан моноклонал куён антитаналари (Thermo Scientific, USA) ёрдамида аниқланди. Пролиферацияланувчи ва апоптоз хужайраларни аниқлаш қалқонсимон безидан олинган парафинли кесмаларда UltraVision (Thermo Scientific, USA) комплекси ёрдамида бажарилди. Кесмалар метилен кўки ёки нейтрал қизил билан бўялди.

Қалқонсимон без маркер гормонларни аниқлаш ҳайвонлар қон зардобидида бажарилди. Ҳайвонлар жонсизлантирилгандан кейин қон қуруқ стерил пробиркаларга солинди ва олинган қон зардобидан гормонлар концентрациясини аниқлашда фойдаланилди. Қон зардобидида тироксин (Т4), трийодтиронин (Т3), тиротроп (ТТГ) иммунофермент таҳлил усули ёрдамида «Human» (Germany) компаниясининг махсус тўплами ва «Singl» (Germany) спектрофотометридан фойдаланиб аниқланди. Тироксин (Т4), трийодтиронин (Т3), тиротроп (ТТГ) МЕ/л да ифодаланди.

Барча рақамли маълумотларга вариацион статистика усулида ишлов берилди. Ҳисоб-китоб ва статистик таҳлил Window's дастурий статистик пакетидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Барча маълумотлар ўртача ± стандарт оғиш (SD) сифатида келтирилди.

Фипронил – 4% эмульсия концентрати кўринишида «Euro-Team» Ўзбек-Германия қўшма компаниясидан олинган. Фипронил препаратининг фаол моддалари, бензопиразол ҳосиласи бўлиб, молекуляр массаси 437,2 га тенг ва сувда ёмон, лекин органик эритувчиларда яхши эрувчан. Препарат рН 5-7 оралиғида барқарор, рН 9 да эса гидролизланади. Ўтказилган токсикологик тадқиқотлар асосида олинган препаратларнинг турли ҳайвонлар (сичқонлар, оқ каламушлар ва куёнлар) учун ЛД<sub>50</sub> дозалари мутахассислар томонидан тақлиф қилинган. Препарат моддаларнинг токсикологик классификацияси бўйича, СанПиН 0213-06 мувофиқ, организмга ичак орқали тушганида ўртача токсик (III хавф даражаси) гуруҳига киради. Пестицидларнинг заҳарлилик синфларга мансублиги аниқланган ва кейинги тажрибалар учун ишлатиладиган дозалар асослаб берилган. Оқ каламушларда ўтказилган ўткир токсикологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўлдирувчи дозаси 360 мг/кг га тенг.

Фастокин 29% к.э. (Хитойда ишлаб чиқарилган) Ўзбекистон Республикасида 0202-10-сон (дезинсекция) бўйича рўйхатга олинган. Инсектицид фастокин 29% к.э. - бу хидсиз, оқ ёки оч-сарғиш рангдаги


суюқлик. Фаол моддалари: Альфа-циперметрин, Тетраметрин, Пиперонилбутоксид ва Пирипроксифен. Қўллаш усули: хавога аэрозол шаклида ишчи эритмани сепиш йўли билан. Тажриба ҳайвонлари организмига ичак орқали тушганда, фастокин 29% к.э. воситаси ўткир токсиклик параметрлари бўйича III хавфлилик даражасига мансуб.

Шу тариқа, иккала препарат ҳам турли механизмлар орқали токсик таъсир кўрсатсада, организмда тўпланмаслиги аниқланган. Уларнинг хавфлилик даражаси ва атроф-муҳитга таъсири бўйича олинаётган маълумотлар пестицидларни қўллашда хавфсизлик чораларини кўриш зарурлигини кўрсатди.


Диссертациянинг «**Пестицидларни сурункали қўллаш натижасида авлод қалқономон безининг усиши ва такомил топишига таъсири**» деб номланган учинчи бобида пестицидлар таъсири натижасида авлод қалқонсион беши морфометрик, иммуногистокимёвий ва гормонал кўрсаткичлари курсаткичлари ҳақида маълумот берилган.

Қалқонсимон бездаги морфологик ўзгаришларни тасдиқловчи маълумотлар морфометрик тадқиқот усуллари ёрдамида ўз тасдиғини топди. Назорат гуруҳи авлод каламушлар қалқонсимон без тузулмаларининг эгаллаган майдон кўрсаткичларини фоизларда берилган. Без тўқимасининг умумий майдони 3-кундан 30-кунгача динамикада мунтазам равишда ортиб бориб 30-кунга келиб 30%га кенгайганлиги кузатилди. Фолликулалар ички юзасини қоплаган эпителийнинг эгаллаган майдони 3 кунликда 25% ни ташкил қилган бўлса 30-кунга келиб деярли икки бараварга кенгайганлиги, яни 42 %ни ташкил қилганлиги аниқланди. Фолликулалар аро эпителий 3 кунлик даврда без тўқимасининг 41 % ҳажмини эгаллаган бўлса, 30-кунга келиб 3,3 баравар қисқарганлиги, 13% жойни эгаллаганлиги кузатилади. Фолликулар бўшлиғидаги коллоид эгаллаган майдон 3 кунлик даврда 19% жойни эгаллаган бўлса 30-кунга келиб, унинг майдони сал кам 2 икки баравар кенгайганлиги кузатилди. Без строма тузилмаларининг майдони эса постнатал онтогенез динамикасида деярли ўзгармаганлиги аниқланди (1-расмга қаранг).

Қалқонсимон без тузулмаларининг фипронил таъсирида морфометрик параметрларининг динамикаси қуйидагича ўзгарди, без тўқимасининг умумий майдони 3-кундан 30-кунгача динамикада мунтазам равишда ортиб бориб 30-кунга келиб 41%га кенгайганлиги кузатилди. Фолликулалар ички юзасини қоплаган эпителийнинг эгаллаган майдони 3 кунликда 18% ни ташкил қилган бўлса 30-кунга келиб 41%ни ташкил қилганлиги аниқланди. Фолликулалар аро эпителий 3 кунлик даврда без тўқимасининг 52 % ҳажмини эгаллаган бўлса, 30-кунга келиб 2,5 баравар қисқарганлиги, 20% жойни эгаллаганлиги кузатилади. Фолликулар бўшлиғидаги коллоид эгаллаган майдон 3 кунлик даврда 12% жойни эгаллаган бўлса 30- кунга келиб, унинг майдони 2 икки баравар кенгайганлиги кузатилди. Без строма тузилмаларининг майдони эса постнатал онтогенез динамикасида деярли ўзгармаганлиги аниқланди (2-расмга қаранг).




**1-расм. Қалқонсимон безнинг морфометрик параметрларини авлодлар онтогенезида кузатиш динамикаси.(назорат гурухи)**



**2-расм. Фипронил таъсирида онтогенезда каламуш қалқонсимон безнинг морфометрик кўрсаткичларининг динамикаси.**

Фастокин таъсирида эса морфометрик параметрлар динамикаси қуйидагича ўзгарди. Фолликулалар ички юзасини қоплаган эпителийнинг эгаллаган майдони 3 кунликда 20 ни ташкил қилган бўлса 30-кунга келиб 40%ни ташкил қилганлиги аниқланди. Фолликулалар аро эпителий 3 кунлик даврда без тўқимасининг 46 % ҳажмини эгаллаган бўлса, 30-кунга келиб 19% жойни эгаллаганлиҳғи кузатилади. Фолликулар бўшлиғидаги коллоид эгаллаган майдон 3 кунлик даврда 15% жойни эгаллаган бўлса 30- кунга келиб,унинг майдони 25% кенгайганлиги кузатилди. Без строма тузилмаларининг майдони эса постнатал онтогенез динамикасида сезиларсиз даражада ошганлиги аниқланди (3-расмга қаранг).



**3-расм. Фастокин таъсири остида каламуш авлодлари онтогенезида қалқонсимон безнинг морфометрик параметрлари таҳлили.**

Хужайранинг дастурий ўлими (ХДЎ) ёки апоптоз организм учун хужайралар пролиферациясини назорат қилиш ва тўқималар гомеостазини сақлаб туришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга механизм ҳисобланади. Физиологик шароитларда апоптоз ва хужайралар пролиферацияси жараёнлари ўртасида муайян мувозанат мавжуд бўлиб, бу мувозанат тўқима гомеостазини бир меъёрда тутиб туриш имконини беради. Ўсиб келаётган организмда пролиферация даражаси одатда юқори, апоптоз даражаси эса паст бўлади. Бу орган ва тўқималарнинг постнатал онтогенезда физиологик ўсиши ва шаклланишини таъминлайди.

Тадқиқотларимизда она организми орқали пестицидларнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда таъсир этиши авлодда постнатал онтогенез динамикасида қалқонсимон безнинг ўсиши ва шаклланишининг бузилишига олиб келиши кўрсатиб берилди. Савол пайдо бўлади – бу бузилишлар механизми асосида нима ётади ва бунда хужайралар пролиферацияси ва апоптоз жараёнларининг ҳолати қандай бўлади? Буни аниқлаш мақсадида пролиферация ва апоптоз маркерларига юқори сезгирликка эга бўлган моноклонал антитаналарни қўллаган ҳолда иммунгистокимёвий усулдан фойдаланилди (4 ва 5-расмларга қаранг).

Натижаларни миқдорий ҳисоблаш пестицидлар таъсирида пролиферация индекси назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳларида анчагина пасайганини кўрсатди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Постнатал ривожланиш динамикасида қалқонсимон без хужайралари пролиферацияси индекси ( промилларда)**

Туғилгандан кейинги кунлар	Назорат	фастокин	Фипронил
7 кун	17,5±1,2	11,4±1,1**	10,2±0,9***
14 кун	15,2±,3	10,7±0,8***	9,3±0,9***
21 кун	13,3±1,1	9,6±0,9*	7,3±0,5***
30 кун	9,5±0,8	8,3±0,7	7,8±0,6

Изоҳ: \* - фарқлар назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Қалқонсимон без хужайралари пролифератив фаоллигининг камайиши иккала тажриба гуруҳида ҳам постнатал даврнинг 7-21 кунларида яққол ифодаланди. Кузатувнинг бу муддатларида пролиферация индекси фипронил таъсирида назорат гуруҳидагига нисбатан 40-45%га пасайди, фастокин таъсирида эса 28-30% га камайди ( $P_1, P_2 < 0,05$ ).

Туғилгандан кейинги 30-кунда хужайралар пролифератив фаоллигининг умумий пасайиши фонида пролиферация индексининг камайиши назорат гуруҳига нисбатан фастокин таъсирида 13% ни, фипронил таъсирида – 18% ни ташкил этди ( $P_1, P_2 < 0,05$ ).

Буларнинг барчаси пестицидларнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда таъсир этиши шароитида қалқонсимон без хужайралари пролиферациясининг сезиларли пасайишини кўрсатди. Пролиферациянинг энг яққол ифодаланган ва асосли пасайиши фастокин таъсирига қараганда, фипронил таъсирида кўпроқ қайд этилди.

Апоптоз жараёнини ўрганишда эса бир оз бошқачароқ натижалар олинди (2-жадвал). Жадвалда кўринганидек, кузатувнинг барча муддатларида апоптоз индекси тажриба гуруҳлари ҳайвонларида назорат гуруҳидагига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Апоптоз индексининг энг кўп ортиши туғилгандан кейинги 14-21 кунларда кузатилди, бунда тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда апоптоз индекси назорат гуруҳидагига нисбатан 3,2-4,3 марта юқори бўлди. Шу билан бирга, хужайралар апоптозининг кучайиши фастокин таъсирига қараганда, фипронил таъсирида юқори даражада намоён бўлди.

## 2-жадвал

### Постнатал ривожланиш динамикасида қалқонсимон без хужайраларида апоптоз индекси (промилларда)

Туғилгандан кейинги кунлар	Назорат	фастокин	Фипронил
7 кун	0,06±0,002	0,7±0,03***	0,9±0,05***
14 кун	0,09±0,003	1,2±0,15***	1,8±0,20***
21 кун	0,48±0,07	1,6±0,25***	2,3±0,75*
30 кун	0,75±0,09	2,9±0,83*	3,8±0,87**

Шундай қилиб, ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда замонавий пестицидларнинг ҳаттоки кичик дозалардаги таъсири ҳам тироид тизимга салбий таъсирини кўрсатди. Бу таъсир самараси қалқонсимон безнинг ўсиши ва шаклланиши суръатларининг сусайиши, қалқонсимон без секретор фолликулларининг шаклланиши ва фаолиятининг пасайишида намоён бўлди. Орган ўсиш суръатларининг сусайиши асосини пролиферация ва апоптоз жараёнлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши ташкил этди, бу дисбаланс фастокинга қараганда, фипронил таъсирида яққолроқ ифодаланди. Биз юқорида қайд этилган ўзгаришларни пестицидлар таъсири шароитида

